

ЁШЛАР, МЕХАНИЗАЦИЯНИ ПУХТА ЭГАЛАНГ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 39 (3011). | Жума, 26 февраль 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

МАСТЕР

Етти йилликнинг охириги йилида областимиз меҳнаткашлари олдига ҳар қанчалик ҳам катта ва масъулиятли, айни вақтда жуда ҳам шарафли вазифалар турди. Ишчилар, бинокорлар, транспортчи ва алоқачиларимиз бу йил саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришлари, кенг ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари, халқ ҳўжалиги ва аҳоли учун қўрсатилмаётган транспорт ҳамда алоқа хизматини тўбдан яхшилашлари зарур. Оқимизда турган бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини кўп жиҳатдан саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида меҳнат қилаётган кўпсонли кўйи ишлаб чиқариш командирлари — мастерлар фаолиятига, уларнинг ўқув ва билимга, ташкилотчилик ва тарбиячилик қобилиятига, ишбилармонлигига боғлиқ.

Чуноки, мастерлар ҳар бир корхона ишлаб чиқаришида муҳим роль ўйнайдилар. Ишчилар билан ҳар кун, ҳар соатда бирга бўлади, уларнинг ютуқ ва камчиликларини, қобилият ва ўқувларини, ижобий ва салбий хусусиятларини, фикр-зикарларини яхши билади. Ишчилар ҳам ўзларининг ишлаб чиқаришини яхшилашга оид бўлган фикрларини, ҳаётларидаги қувончлари ва ташвишларини аялало унга айтишади, унинг у ёки бу масала юзасидан маслаҳатларига қўлоқ солишади. Ишчиларнинг меҳнат қўчқорига энг яқин кишиси, маслаҳатдўст мастери. Айниқса, ёшларнинг ўз талланган касбларини пухта эгаллашларида, қаҳрамон ишчилар синфиға муносиб меҳнатсевар киши бўлиб юретишларида, уларда коммунистик жамият кишиға хос юксак инсоний фаилатларнинг мужассамлашишида мастер ҳам қўлдоғчи роль ўйнайди.

Мастер — устоз, мураббий, меҳнатни ташкил этувчига бўлиб қолади, шу билан бирта тарбиячи ҳамдир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия бу кўн ишлаб чиқариш командирларини саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ишида тутган мовенини мустаҳкамлаш, кўпқиррали фаолиятини янада кенгайтириш, ҳўқуқ ва масъулиятини ошириш масалаларига катта эътибор бермоқда. Областимиздаги қатор шаҳар ва район партия комитетлари, жойлардаги партия, касба-саноат ташкилотлари, корхоналар маъмуриятлари мастерлар билан ишлаш, уларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ошириш, ҳўқуқларини кенгайтириш, бундай ишлаб чиқариш командирларини танлаш ва тарбиялаш масалаларига эътиборни қўйиб беришмоқдалар.

Бу иш, айниқса, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташкенткабель», В. И. Ленин номида Ўзбекистон металлургия, «Ташавтомаш» заводларида, Оҳангарондаги 9-шахта ва бошқа саноат корхоналарида намунали йўлга қўйилган. Бу корхоналарнинг маъмуриятлари, партия ва касба-саноат ташкилотлари мастерлар малакасини муттасил оширмоқдалар, билим доираларини кенгайтириш учун уларға барча шароитларни яратиб беришган, илгор мастерларнинг иш тажрибасини доимо оммалаштиришади. Кўйи ишлаб чиқариш командирлари учун турли курслар тез-тез ташкил этиб турилади. «Мастерлар кўни» ўтказиш одат бўлиб қолган. Унда мастерлар техника прогресси, коллективларға раҳбарлик қилиш, меҳнатни ташкил этиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳоама қилишади, ўзаро тажриба алмашишади, ишлаб чиқаришнинг турли кетими жойларини бартараф этиш, ишчиларнинг ижодий ташаббусини ошириш йўлларини ўрганишади.

Мастерлар билан ишлашға лозим даражада эътибор берилмаётган, бу муҳим масала унутиб қўйилмаётган корхоналар ҳали областимизда анчагина бор. Тошкентдаги шарик-подшипник, «Электротрибор» заводлари, Бекобод цемент комбинати, Оҳангарондаги бинокорлик материаллари комбинати ва бошқа қатор корхоналарда шундай аҳолини кўриш мумкин. Бу корхоналарда мастерлар танлаш, уларни тарбиялаш ва малакасини ошириш масалалари билан жиддий шуғулланилмаётди. Бу корхоналар маъмурияти, партия ва касба-саноат ташкилотлари мастерларнинг гоёвий ва маданий-техника савиясини оширишдек муҳим ишни унутиб қўйганлар. Бу корхоналарнинг бир меёрада ишламаётганлиги, тайёрлаган маҳсулотининг анчагина қисми сифатсиз ва брак бўлаётганлиги, таннаҳ қимматлашиб, давлатға кўп миқдорда зарар келтириляётганлигини энг асосий сабабларидан бири ҳам худди шундай.

Айрим мастерлар ўзлари раҳбарлик қилаётган участкаларда ишчиларнинг технологияни, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига қатъий амал қилишларига эришмаётдилар. Иш жойларининг сарайком-сариниша ва тартибли бўлиши устидан етарли назорат олиб бормайдилар. Брак ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, асбоб-ускуналарнинг бекор туриши, иш вақти ҳамда моддий ресурсларнинг фойдасиз сарфланишини бартараф этиш ҳақида беш қотирмайдилар. Улар ишлаб чиқариш тартиб-таъминотини, рационализаторлик ва иxtиpочилик ҳаракатини кенгайтириш, лиги техника ва илгор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш маданиятини муттасил ошириб бориш, ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани қизитиш ишиға хисса қўшмаётдилар.

Бундай камчиликларға хотима бериш, ҳар бир корхона ва ташкилотда кўйи ишлаб чиқариш командирлари билан ишлашнинг ҳар томонлама яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқаришини ҳақиқий ташкилотчи, коллективнинг моҳир тарбиячиси бўлишларига эришиш учун мастерлар меҳнатда, юриш-туришда, ҳўқ-аъторда барчаға ўрнак бўлишини, ишчилар ҳўрмати ва ишончини қозонишини. Улар иш билармон, билимдон, кишиларнинг ҳақиқий маслаҳатдўсти, тарбиячиси бўлишлари, янгиларнинг, техника тараққийетининг ҳақиқий пропагандистлари бўлишлари.

Областимизда механизаторлар маътабини таъминлаб бепоян пахта далаларида қудратли техниканинг кучини намойиш қилаётган ёшлар сон, саноатсиздир. Мана бу суратда ана шундай бир группа турсуночий механизаторларни кўриб турибсиз: (чапдан) Калинин районидagi «Партия XIX съезди» колхозининг бригадир И. Яўлдошева, Янгийўлдаги «Қизил Октябрь» колхозининг механизаторлар бригадир С. Турдалиева, шу райондаги «Москва» колхозининг бригадир Т. Яўлдошева ва Калинин районидagi «Партия XIX съезди» колхозининг механик-ҳайдовчиси З. Халипова ўртоқлар.

А. Абалля фотоси.

Областимизнинг колхоз ва совхозларида юзлаб комсомолчилар самарали меҳнат қилмоқдалар. Ўзлари тиниб олган қишлоқларда моддий бойлик эриштирмоқда. Тажрибали деҳқонлардан, механизаторлардан иш ўрганишга, улар ҳўқдорликни кўпайтириш учун кўч ва райратларини сарфлашмоқда.

Янгийўла районидagi Ленин номи, «Октябрь 40 йиллиги», «Қизил Октябрь» ва бошқа колхозликни ишлаб чиқариш пахтачиликни ривожлантириш истиқболли механизацияға ҳар тарафлама боғлиқ эканлигини яхши тушуниб олган, техникаға илос қўйиш механизацияни бошқаришни ўрганишмоқда.

Ҳа шундай Қишлоқ ёшларининг техникаға бўлган илослари борган сари ошиб бормоқда. Техниканинг тилини билган мутахассислар ишға бошчилик қилишмоқда. Колхоз правлениелари, совхоз дирекциялари иш механизатор кадрларни тарбиялашға, ўқитишға эътиборни берган сари кўпайтирмоқдалар. Янгийўлдаги Олмасор, Пискент посёлкаларидаги механизатор кадрлар тайёрлаш билим юрларини битириб чиққан ёшлар эндиликда самарали меҳнат қилиши, йлчиллигини иззат ва ҳўрматига сазовор бўлишмоқда.

Ўрта Чирчиқ районидagi колхозларда ҳам иш механизаторлар тайёрлаш курслари ишлаб турибди. «Полярная звезда» колхозига ташкил этилган 4 оилақ курсда комсомолчилардан 25, «Коммунизм» колхозига 30 га яқин киши тракторчилик касбини ўрганишмоқда. Ҳўзир областимизнинг колхоз ва совхозларида, шунинг-



ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ

қанинг тилини билган мутахассислар ишға бошчилик қилишмоқда. Колхоз правлениелари, совхоз дирекциялари иш механизатор кадрларни тарбиялашға, ўқитишға эътиборни берган сари кўпайтирмоқдалар. Янгийўлдаги Олмасор, Пискент посёлкаларидаги механизатор кадрлар тайёрлаш билим юрларини битириб чиққан ёшлар эндиликда самарали меҳнат қилиши, йлчиллигини иззат ва ҳўрматига сазовор бўлишмоқда.

Ўрта Чирчиқ районидagi колхозларда ҳам иш механизаторлар тайёрлаш курслари ишлаб турибди. «Полярная звезда» колхозига ташкил этилган 4 оилақ курсда комсомолчилардан 25, «Коммунизм» колхозига 30 га яқин киши тракторчилик касбини ўрганишмоқда. Ҳўзир областимизнинг колхоз ва совхозларида, шунинг-

дек «Узельхозтехника» бирлашмасининг районлардаги билимлари ҳўзирда билим олаётган ёшларнинг сони 800 га етди.

Ёшларимиз пахтачиликда техника қўлчилик кўп ишлатилса, шўнчалик мўла ва арзон ҳўсил этиштириш мумкин эканлигини тушуниб олишди. Қароода механизатор кадрларимиз кўп бўлса, йил ерда иш яхши кетяпти. Техника деҳқонларнинг ишини енгилаштиряпти. Ер барвақт ҳайдалиб, чиғит эрта ерга ташланапти. Ўсимликнинг илловчи саз бўляпти. Ҳўсил ёгин-сочиниға қўлмай тез енгиштириб олиняпти.

Ҳамма ерда механизатор кадрларимиз кўп бўлсин. Ёшларимизнинг техникаға бўлган муҳаббатларини ана ҳам оширайлик. Уларнинг баракали меҳнат қилишлари учун ҳамма шўрт-шароитларни яратиб берайлик!

КЎКЛАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИ

— «Иш қўрқини бўлса саз, машаққатинг бўлур оз» дейди халқимиз, — дея сўз бошлади колхозининг механизация бўйича бош ижкелер ўринбосари Туроп Тургунов, — ДТ-54 тракторини синаб кўраётган бир группа кишиларни кўрсатди. Мана, қишлоқ ҳўжалик машиналарининг ҳаммасини кўкламға шай қилиб қўйди.

Ҳўзир техника кўрғиға ўтказилмоқда. Ремонт сифатини текширувчи комиссия барча машиналарини биржа-бир текшириб, қабул қилиб олиш мумкин.

Устаконани айланар эканмиз, кўкламға тайёр турган турли хил дала машиналари ҳавасимизни келтирди, ремонтни барвақт туталлашда жонқуарлик қилган механизаторларға миннатдорчилик айтишмиз келди.

Мавжуд 8 та ҳайдов трактори, 12 та севла, 24 чўпқ трактори, 170 та борова, 8 та мўла ва бошқа машиналар сифатли ремонт қилиниб тахт турибди.

Ўртоқ Тургунов ремонт ишида жонбозлик кўрсатган А. Сидиқов, П. Лебенич, П. Мирзаев, С. Яўлдошев каби механизаторларнинг номини фаҳр билан тилға олди.

Ҳўзир тракторчилар малака ошириш курсларида таълим олмақдалар. Шўнингдек улар далаға маҳаллий ва минерал ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зевурларни тозалаш ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар. И. Эргашев, Т. Иброҳимов, Х. Муродов, Ю. Эшиматов каби ўртоқлар ўз тракторлари билан кўнға 15—16 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқда. Шу вақтғача 1300 тонна маҳаллий ўғит тайёрланди, 240 тонна минерал ўғит ташиб олди. 850 километр ариқ-зевур тозаланди.

Ўрта Чирчиқ районидagi «Партия XXII съезди» колхозда кўкламға тайёргарлик ишлари ана шундай қизгин олиб боришмоқда.

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПРОҚ ЕТИШТИРАЙЛИК! ИЛГОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети чорвачиликни ривожлантириш бўйича областлар, районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1964 йилги йўналишини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўнма Қизил байроғи Тошкент областида (област партия комитетининг секретари М. Абдуразақов, области ижроия комитетининг расиси Э. Шайхон, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш области бошқармасининг бошлиги И. Ли ўртоқлар) қолдирилди. Бу области ўғит етиштиришнинг 1963 йилдаги нисбатан 14 процент, сўт — 10 процент, туҳум — 33 процент кўпайтирган. Областа ҳар бир соғин сизгидан 1886 килограммдан сўт, ҳар бир товўдун 102 тадан туҳум олган. Давлатға сўт сотиш ва топшириш плани 103 процент, туҳум — 108 процент, жўн — 102 процент бажарилган. Бузоқ, кўн ва чўча боласи олш ҳамда уларни сақлаб қўлидада республикада энг яхши қўрсаткичларға эришилган. Қорамоллар, кўн ва чўчаларнинг ноўд бўлиши кўпайтирилган ва қорамолларнинг 98,6 проценти, кўн ва аччиларнинг 97,3 проценти сақлаб қўлинган.

МОҲИР СЎТ
СОЎУВЧИ



ГЎШТ, СЎТ, ТУХУМ МЎЛ БЎЛСИН

Областимизнинг меҳнатсевар чорвадорлари етти йилликнинг олтинчи йилида республикамиз бўйича социалистик мусобақода голиб чиқдилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўнма Қизил байроғи пойтахт областида ва Калинин районида қолдирилганлиги — чорвадорларимизнинг сиққидилан қилган меҳнатлариға берилган катта баҳодир.

Чорвадорларимиз бултурги муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш иш олдларига асосий мақсад қилиб қўйиб, янги йил бошлангичи биланок давлатға чорвачилик маҳсулотлари сотишчи авж олдириб юбордилар. Оржоникидзе районидagi машаал «Қизил Ўзбекистон» колхозининг азамат чорвадорлари давлатға гўшт сотиш йиллик планини бажардилар. Бошқа бир қанча ҳўжаликларнинг чорвадорлари ҳам йиллик, ярим йиллик ва квартал планларини бажардилар.

Ҳўзирғача областимиздаги колхоз, совхозлар эл дастурхонига 3372 тоннадан ортш сўт гўшт, 6944 тонна серқаймоқ сўт ва 2 миллион 576 миң дона туҳум етказиб бердилар. Гўшт сотишда Оржоникидзе районининг чорвадорлари карвонбошлик қилмоқдалар. Улар квартал планини ҳўзининг йўздағи 110 процентдан ошириб юбордилар. Байроқдор Калинин районининг чорвадорлари эса ҳўзирғача меҳнаткашларға қарийб 700 тонна гўшт етказиб бердилар. Оқўйроғи ва Юқори Чирчиқ районларининг чорвадорлари давлатға гўшт сотишни жадал давом эттирмоқдалар.

Сўт сотишда Янгийўла, Калинин, Юқори Чирчиқ ва Оқўйроғи районларининг чорвадорлари олднда бормоқдалар. Туҳум сотишда эса Калинин, Оржоникидзе районларининг паррандачилари лешқадимлик қилишмоқда.

Эндики вазиға шундан иборатки, республиканинг Қизил байроғини қўлда сақлаб қолган чорвадорларимиз эл-юрт дастурхонига етказиб бериладиган гўшт, сўт, туҳумни янада кўпайтиришлари, ўзлари учун билдирилган катта ишончни шараф билан оқлашлари керак.

Областимиз чорвадорларининг ўтган йилги улкан ғалабасида кўплар қатори Мунаввара Исҳоқованинг ҳам ҳиссаси каттадир. Бу сергайрат сўт соғувчи Калинин районидagi «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозига меҳнат қилаяпти. Бирор йил йўқини, у ўз зиммасига олган юксак мажбуриятни ошириб бажармаган бўлсин. Мунавваранинг бу йилги режалари ана ҳам катта. У ўз боқимидagi сигирлардан бултургиға нисбатан анча кўп сўт соғиб олишға аҳд қилган. Суратларда: (Ўғда) Мунаввара Исҳоқова, (Чапда) «Тандем» установакиси ўрнатилган сўт соғиш зали.

В. Салов фотолари.

ДАСТЛАВКИ ЮТУҚЛАР

«Дўрон» совхозининг меҳнаткашлари сабаот, картошка, мева, узум ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтирмоқдалар. Мана, бу йил ҳам шундай бўляпти. Чорвадорлар ҳўзининг ўздағи дастлабки катта ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатға гўшт сотиш ярим йиллик плани орғини билан бажарилди.

Сўт-товар фермаси коллективининг иши ҳам мақтовға сазовордир. Гайратли сўт соғувчилар сўт сотиш юзасидан берилган икки ойлик планини бажариш арасида турбдилар.

Чорвадорларимиз, — дейди совхоз директори ўртоқ Х. Амиров, — маҳаллий Советларға бўладиган сайлов кўнғага квартал сўт сотиш планини, март ойининг охиригача эса гўшт сотиш йиллик планини бажаришға қатъий қарор қилдилар.

И. РУСТАМОВ.

ҚЎЗИЛАТИШ АРАФАСИДА

«Қўкорол» совхозининг чорвадорлари қўзилатиш кампаниясини намунали ўтказишға катта аҳамият беришмоқда. Ҳўзир отарлардаги совлиқлар бирин-кетин қўзилмоқда. Чўпонлар ҳарбир қўзининг соғлом бўлишға катта аҳамият бермоқда.

Айниқса, совхозининг тажрибали чўпони Ҳўжакеди Тошматов бу соҳада яхши билимдон. У ўтган йили 700 бош совлиқнинг — ҳар 100 бошдан 100 тадан қўзи олиб, ноўд қилмасдан ўстиришға муваффақ бўлган эди. Бу йил эса у ҳар 100 бош совлиқдан 120 га етказиб қўзи олмак, демоқда. Ўртоқ Тошматов ўз зиммасига олган мажбуриятни ўдосидан чиқариш учун ҳарқат қилапти. Ҳарбир совлиқни меҳр билан парварши қилиб боқмоқда. Шу сабабли ҳам совлиқлар сўт, қишдан яхши чиқмоқда.

Элтой Алибоев, Айтжон Сейнаев каби чўпонлар ҳам қўзилатиш кампаниясини яхши ўтказишмоқда. Ҳар 100 бош совлиқдан 110 бошдан қўзи олишға ҳарқат қилишмоқда. Чўпонлар ўтган йили ҳар бош қўйдан 3 килограммдан жўн қирқиб олиб, пласмаларини анча ошириб бажаришган эди. Уларнинг бу йилги мажбуриятлари ҳам катта, 3 килочо 200 граммдан жўн қирқиб олиб, топириқни 150 процент бажариш, дейишмоқда.

Я. МИРЗАЕВ.

СЕРҚАЙМОҚ

Калинин районидagi Охунбобоев номи колхоз чорвадорлари январь ойини баракали яқунлашди. Улар пилдан ташқари юзлаб килограмм серқаймоқ сўтин давлатға сотдилар. Февраль ойи сўт соғиб олиш плани ҳам орғини билан бажарилди. Сўгин сигирларни парварши қилишда ва улардан қўллаб сўт соғиб олишда Мунаввар Юсупова, Насия Бечина, Галия Серасева каби чорвадорлар бошқаларға ўрнак бўлмоқдалар.

Э. ТўЛТАНОВ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ

МАЛАКА ОШИРИШЯПТИ

Техника кун сайин тараққий этапти. Фан янгиликлари халқ ҳужалигининг ҳамма соҳалари-га чуқур кириб борапти. Бизнинг заводимиз ҳам ўтган йили техниклаштирилган аниқ ил-гариллаб кетди. Натижада маҳсу-лот ишлаб чиқариш йиллик пла-ни ортга билан адо этилди.

Бу йилги режаларимиз ҳам тақим эмас. Йиллик топириқ-ни 28 декабрда бақариш, пландан ташқари камда 25 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, товарлар таънарининг белгиланганга нисбатан 1 про-цент камайтиришга қарор қил-ганимиз. Бу вазифаларни муваф-фақиятли адо этишда ҳам тех-ника тараққийоти муҳим роль ўй-найди.

Завод ишчилари январь ойи-ни яхши яқунладилар. Ойлик топириқ 101 процент қилиб бақарилиди. Ҳозирги кунда кор-хонамиз маркаси билан чиқари-лаётган машиналарни иттифоқи-мизнинг турли чеккаларидаги са-ноат корхоналари, шунингдек Бирлашган Араб Республикаси, Хиндистон, Индонезия, Куба, Жапон ва бошқа кўпгина чет эл-лик дўстларимиз ҳам олиб ту-рибдилар. Корхонамиз ишчилари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифатини яхши-лаш учун тинмай кураш олиб боришяпти.

Бу ишларнинг барчасида қўйи-ни ишлаб чиқариш командирлари бўлган мастерларнинг ҳиссаси натадир. Заводда кўп йиллик тажрибага эга бўлган илгор мастерлар оз эмас. Лекин ҳо-зирги кунда ишлаб чиқаришга

раҳбарлик қилиш учун ёлғиз тажрибанинг ўзи етарли бўл-май қоляпти. Ҳар бир мастер чуқур билим эгаси бўлиши ке-рак. Ваҳоланки заводимиздаги йигирмага яқин мастер ўрта маълумотга ҳам эга эмас. Тех-никанинг кун сайин тараққий этаётганлиги қўйи ишлаб чиқа-риш командирларининг ҳам чу-қур техника билим эгаси бў-лиши талаб этади.

Завод ҳузурида ташкил этил-ган ўн ойлик курсда корхона мастерлари ёлғиз билим ола-ётдилар. Курс тингловчилари СССРнинг ички ва ташқи сиб-сати, халқ ҳужалигини экономи-каси, халқ ҳужалигини планлаш-тириш, илгор тажрибалари ўр-ганиш темаларида лекциялар эшитмоқдалар.

Бундан ташқари мастерлар бевоисита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кундалик планер-наларда қатнашадиган бўлишди. Улар бақарилиши лозим бўл-ган ишларни бир кун олдин мас-лаҳатлашиб олишди. Биринчи цехнинг бош мастери Т. Коро-лев, йилги цехнинг мастери Г. Егоров, 2-цехдан И. Лигай, сме-на мастери И. Жилицев ва бош-қалар ўз билимларини ошир-моқдалар.

Ҳа, мастер бўлиш учун ҳам тажрибали, ҳам билимдон бў-лиш керак. Корхонамиз мастер-лари шунинг доим ёдда тутадил-лар.

И. ЭРГАШЕВ,
«Подъёмник» заводининг
директори.



УСТОЗ ВА ШОГИРД

Яхши устоз шогирдининг ҳар бир қадамидан хабардор бўлади. Унинг ютуқларини ҳам, камчили-ларини ҳам ҳар дақиқада кузатиб туради. Маслаҳатлар беради, тў-ри йўлга солади. Шогирд ҳам ус-тознинг маслаҳатларига амал ки-либ, ҳаётда меҳнатда дўст ва ҳам-масбларига ўрнак бўлишга инти-лади. Ана шундангина шогирд ус-тоздан ўзини муимин.

Олимпикон Ҳасанов Тошкентдаги 1-ремонт-механика заводига иелга-нида ҳали меҳнат жараёнида то-ланмаган эди. У тоналари ҳунари-нинг ҳамма нозик томонларини ўрганишга интиди. Янгича яхши устоз қўлига тушди. Старший мастер Василий Топтунов Олим-жонга ҳар соҳада ёрдам берди, ҳунар ўргатди.

Мана энди Олимпикон Ҳасанов ўз насбни пухта билиб олган то-карлардан бири. Лекин у ҳали ҳам билиганини Василий Топту-новдан сўраб ўрганади. Бу сурат-да устоз — В. Топтунов (чапда) ва О. Ҳасанов детални сифатли ишлаш ҳақида маслаҳатлашмоқ-далар.

А. АБАЛАН ФОТОСИ.

ИЖОДКОР БЎЛАЙЛИК

Москва ва Ленинград корхо-наларининг коллективлари маҳ-сулот сифатини янада яхши-лаш учун кураш бошла-ди. Бу — бечиз эмас. Ҳар бир завод ва фабриканинг ишчиси ўзи яратётган маҳсу-лотнинг юқори сифатли бўли-шини таъминлаш учун кураш-моғи керак. Шунинг учун ҳам смеаини ишчилари бу ташаб-бусга биринчилар қатори қў-шилдилар.

Тез ва соз ишлаш учун ку-раш қизитиб юборилганидан бери самарали натижалар кў-за қўрилиб қолди. Смеа то-пириқларини ортга билан адо этилган бўлди. Умумдорлик сезиларли даражада юксала бошлади.

Маҳсулот сифатининг юқори бўлиши — ҳозирги куннинг энг биринчи талаби. Лекин шун-ини ҳам сир эмаски, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқа-риш учун кўп меҳнат талаб қи-линади. Бу корхонанинг реи-таси ишлашга ҳалаф, бер-маскинка? Корхона муттасил фойда олиб туриши керак-ку ахир.

Бу ўринда бошқа бир нарсани — техника тараққийотини ун-тиб қўймаслик керак. Меҳнат унумдорлигининг юксалиши ҳам, маҳсулот таънарининг арзонлаши, сифати яхшилан-шини ҳам кўп жиҳатдан техника тараққийоти боғлиқ. Шунинг учун ҳам муттасил изланиш, янги иш усулларини жорий эта бориш керак.

Менимча ҳар бир мастер ях-ши ташкилотчи, тарбиячилга эмас, ижодий меҳнат кишии ҳам бўлиши керак. Агар ҳар бир мастер йилга ҳеч бўлма-са биттадан рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этса ҳам техника тарақ-қийоти олга томон беқисс қадам ташлабди.

Ўтган йили трактор ва қиш-лоқ ҳўжалик машиналарининг айрим қисмларини ишлаб чиқа-ришга онд рационализаторлик таклифлари киритган эдим. Бу таклифлар давлатга икки минг сўмлик фойда келтириши билан бирга маҳсулот сифатининг янада яхшиланшига ҳам ёр-дам берди. Ҳозир янги таклиф-лар устида ишлайман. Ҳам-касбларимга айтмоқчи бўлган гапим шунки, ҳар бир мастер ижодкор бўлиши. Техника та-раққийоти учун курашаверайлик.

М. ГОФМАН,
Ўзбекистон трактор-йилгу-заводи 12-цехининг смеа мастери.

ШАҲАР ЖАМОЛИНИ ОЧАМИЗ

Участкамиз бинокорлари ишнинг ўзига хос ҳусусияти бор. Биз қурилиш майдонига биринчи бўлиб келамиз. Бинонинг пойдево-рини қўтариб, монтажчиларга тайёрлаб бера-миз. Лекин ҳозирги пайтда — қиш кунлари-да табиатнинг ижикликлари ишнингизга маъ-лум даражада таъсир этиши мумкин. Ўзгариш-лардан тийиб бўладими, бетон қоринмаси ўз вақтида келтиришмай қолади. Бошқа пайт-ларда эса пойдевор қопилари учун тахта етишмайди.

Худди мана шунанга пайтда мастер тал-бирорлик билан иш қўриши керак. Ишни шундай ташкил этиш зарурки, бетончи ҳам, дурадгор ҳам бекор қолмасин. Қўл қовушти-риб ўтириш қурувчиларнинг ўзига ҳам ёқ-майди.

Шунинг учун ҳам биз ишни мана бундай ташкил этамиз: маълум бир мўддатга мўл-жалланган ишни олаётганда бир-йўла бир-печа объектни қабул қиламиз. Бошқароқ қилиб айтайди, бирварақайга 3-4 тадан уйнинг пойдеворини қўтариб олаймиз. Бу жуда кўл келаяпти. Агар бир уй пойдеворининг тран-шейси тайёр бўлса-ю, бетон қоринмаси кел-май қолса, қурувчилар бошқа уйнинг пойде-ворини тайёрлай бошлайдилар. Бу вақтда дурадгорлар эса бетон қоринмасини қўйиш учун қопилар тайёрлашади.

Иккинчи смеадаги ишни тўғри ташкил қилиш ҳам айниқса муҳим. Шу кунларда биз пешиндан кейин кўп бетон олмаимиз. Негаки, қоринча қолиб кетса, нечаси совуқ-да музлаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам иккинчи смеада ишлайдиганлар асосан тайёргарлик ишларини олиб боришади, эртан-ги иш кунини учун қопилар, траншеялар тай-ёрлаб қўйишади.

Участкамиз қурувчилари яқинда хушхабар эшитишди. Бутун бошқармаимиз бўйича ўт-ган йилги иш натижалари яхши баҳоланди. Бу жуда юксак баҳо. Негаки, ўтган йилги қурилиш ҳажми жуда кенг эди. Планада бел-гиланган 104,5 минг квадрат метр ўрнига салкам 112 минг квадрат метр майдондаги йирик панелли турар-жой бинолари фойда-ланшига топирилди. Бинокорларимиз кур-ган квартираларга 3321 оила қўчиб кирди. Йиллик план 103,3 процент қилиб адо этил-ди. Қурилиш таънарининг арзонлаштириш плани мўлжалдагидан 11,6 процент ортги билан бақарилди.

Янги йилда режаларимиз бундан ҳам юк-сак. Бу йил камда 130 минг квадрат метр ҳажмда турар жой биноларини қуриб бермоқ-чимиз.

Баҳор эшик қочмоқда. Дехонлар далага чиқдилар. Қизгин дам-лар бошланай деб турибди. Тошкентдаги трактор-йилгузаводининг меҳнаткашлари пахтакорлар учун қишлоқ ҳўжалик машиналарини ўз вақтида етказиб беришга интилоқдалар. Бу ишда қўйи ишлаб чиқариш командирлари муносиб ҳисса қўймоқдалар. Суратда: (чап-дан) топириш майдончасининг бошлиғи В. А. Шевцов, старший контроль мастери С. Г. Маъруфов ва техника контроли бюросининг бошлиғи В. А. Алимов ўртоқлар далага жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган тракторларни кўздан кечирмоқдалар.

И. Зайнутдинов фотоси.

Ўтган йилги галабаларга участкамиздаги бинокорлар ҳам ўзларининг муносиб ҳис-саларини қўшишди. Ҳар бир бетончи, дурад-гор ва электрик ўзи қўраётган уйнинг му-стаҳкам ва кўркам бўлиши учун курашиб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам бинонинг пойдево-рини пишиқ бўлмаса уй узоқ вақт маҳкам ту-ролмайд.



Ўтган йили участкамиз қурувчилари 600 га яқин квартирани аҳолига нўмон этди. Ян-ги квартираларга қўчиб кирганлар ишимиз-дан мамун бўлаётганини қўриб беҳад қувон-моқдамиз.

Участкамизда ўзининг ҳалол меҳнати бил-лан кўпчилика ўрнак бўлаётган кишилар оз эмас. Михаил Гаврилов, Жўра Солиҳов, Петр Захаршин, Петр Селеверстов ўртоқлар каби бетончилар мусобақанинг олдинги сафи-да боришмоқда.

Ҳар бир мастер ишлаб чиқариш раҳбари бўлибгина қолмай яқин ва меҳрибон дўст ҳам бўлиши керак. Ахир қурувчиларнинг ва-зифаси фақат яхши ишлашнинг ўзигагина эмаску. Ҳар ким ҳам яхши яшашини, ўқиниши,

кўпроқ нарсани билишни хоҳлайди. Ме-нимча яхши мастер қурувчининг ишнингизга эмас, ҳаётини ҳам кузатиб бориши, керак пайтда унга ёрдам бериши керак. Одамлар-га гажхўр бўлиш мастернинг энг муҳим вазифа-ларидан биридир.

Участкамиздаги қурувчиларнинг кўпчили-ги ёшлар. Ҳеч шубҳасиз, улар ўқиниши, ўзи билишини тинмай охиригача хоҳлайди. Биз уларнинг билим олиши учун керагича илк-оният яратиб беришга интиламиз. Бетончи Анатолий Пяк Тошкент Давлат универсте-тида сиртдан ўқийди. Бригадир Николай Ва-нин кечки ишчигўшлар мактабидида билим ол-моқда. Иштихон пайтларида участкамиздаги олий маълумотли ҳамкасблар ёрдам бериша-ди уларга.

Ўтган йили кўпгина қурувчилар янги квар-тираларга қўчиб киришди. Дурадгор Сергей Чурилов, электрик Борис Сумин, дурадгор Ҳамат Ахмедшин, бетончи Нина Овдовалар янги уйлар олишди. Бундан кейин ҳам дўст-ларимизнинг турмушини яхшилаш учун қў-лимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Участкамиз бинокорлари Москва ҳамда Ленинград корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бош-лашган ташаббусини чуқур ўрганиб чиқдилар. Иш сифатини яхшилаш, сонаот корхоналари меҳнаткашларинингизга эмас, бинокорлар-нинг ҳам муҳим вазифасидир. Негаки, биз-лар қўраётган уй-жойлар бир йил эмас, ўн йил эмас, юз йиллаб туриши керак. Ҳар бир ишнинг ҳам бошлангани пишиқ-пухта бўлиши керак. Участкамиз бинокорлари ўзи қўраёт-ган уйнинг пойдеворини сифатли қилиб иш-лашга интилоқдалар. Ҳозир биз ишлаёт-ган жойларда — 10 ва 11-секторларда бундан уч-тўрт йил аввал қўп-қуруқ даладан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Мана, энди ҳамма-ёқ яшнаб кетди. Биз шахримиз жамолнинг ўзимиз, ўз қўлимиз билан яшнатиб юбора-ймиз.

Янги йил бошида 10 ва 11-секторларда бирийўла 2-3-6-7-уйларни қўраб олаймиз. Биз қурилиш суръатини тезлаштириш, шу билан бирга фақат аъло кўрсаткичлар билан иш-лашга интилоқдамиз. Участкамиз меҳнат-кашлари ўтган йилги ютуқлардан руҳланиб, янада яхшироқ ишлашга интилоқда. Кол-лективимиз ҳам тез, ҳам соз қуриш учун ку-рашаверади. Бу курашнинг биринчи сафиди эса ишлаб чиқариш командирлари — мас-терлар туради.

М. РАҲМАТОВ,

Чилонзордаги 153-трест 2-қурилиш бош-қармасининг мастери.

КАРВОНБОШИ

Тепловоз депосининг клуби «Пл-ат от» қавандозлари билан лиқ тўла. Кекса «машинист»-трактор Федор Иванович Прес-няковни яхши топишди улар. Федор Ивановичнинг сўғи пўлат ишларда қотган. Мана, неча йил-ларидирки, у шир ерда — Тошкент тепловоз депосида ишлайди. Зал-да ўтирганларнинг кўпчилиги унинг шогирдлари.

Федор Иванович машинистлар-га локомотивнинг автотормоз сис-темалари ҳақида сўлаб беради. — Поезд қияликда тўхтаган бўлса, уни ўридан қўзғатиш учун аввало тормозларни тўла бўли-тиб юбориш керак. Шундай қи-линса поезд йў-йўздан секингина қўзғалиб кетади. Бир неча метр юргандан сўнг контролёр тутқи-чини биринчи ва иккинчи позиция-ларга сўриш керак.

Безан шундай ҳам бўладики, тормоз тўла қўлиб юборилганида ҳам поезд ўридан қўзғалайди. Бундай ҳолатларда дегагелини иш-латиб, оёғина ёрдам бериш ке-рак. Составни бирданга ситлаб юргизиш ярамайди. Состав иш-кастланади.

Клубда ўтирган машинистлар Федор Ивановичнинг маслаҳатла-рини диққат билан тингайдиладар. Ҳа, уни автотормоз устаси де-са бўлади. Федор Иванович кекса бў-либди, лекин ҳали ҳам ўз меҳнат постидида мустақам турибди. Ҳо-вос, Самарканд ва Андижон де-полларида ҳам уни илгор маши-нист ва тажрибали устоз сифати-да танийдилар.

Чорак асрдан кўпроқ умрини «Пл-ат от» қанотида ўтказган

Федор Иванович ҳозир деподаги энг илгор колонна ва раҳбарлик қиламоқда. Ўтган йили бу колон-на коммунист меҳнат коллективи дегагел соғиқ қолиб, меҳнат-да юксак кўрсаткичларга эришди.

Қолғани машинистлари йил да-вомида икки юз тонна сўғи қили-ги тежаб қолиш мажбуриятини олган эдилар. Машинистлар 409 тонна билганини иқтисоди қилиш-ди. Бу тежагон ёлғиз қилиб 400 дан ортиқроқ поездини манзилга етказиб бериладар. Пландан ташқари 369 минг 416 тонна юк ташиди. Тепловозлар-нинг йрточа сўғиқлик айа босиш тежаси ярим километрга ошири-лди.

Яхши устоз шогирдининг ҳам ёлғиз бўлиб етишшини хоҳайди. Дендоа бўлидан қолшимайди-ган аҳойиб шогирдлари бор унинг. Зайцев, Миронов, Глухов, Семенов каби машинистлар, бу-тир мамлакатга донги қетган ёлғиз тежаб устаси Е. Штиков ишлар жумласидандир. Ўтган йи-лиги ёлғиз ёқ яна 13 машинист пассажир поездаларида ишлай-ди, энг тажрибали машинистлар ишлайди. Демак колоннада «Пл-ат от» қавандозларининг янги гурпилиги етишди.

Ўз шогирдларининг меҳнат га-лабаларини кўрганда Федор Иванович Пресняков беҳад қувон-нади. Ҳа, у йўз шогирдларининг меҳнатидан мамун.

А. УСМОНОВ.

Тошкент тепловоз депоси-нинг машинисти.

БРИГАДАМИЗ ЖОНКУЯРИ

Бригадамиз аъзолари йирик панелли уй-жой қуришга ихтисос-лашган. Чилонзорда қад кўтар-ган турна қатор бинокорлар бизнинг қўлимиздан чиққан. Уларга фахр билан боқамиз.

Қад кўтараётган ҳар бир бино-нинг сифатли қилиниши қанча-қан-ча меҳнат сарф қиламиз. Лекин мастер Эргаш Рустамов ҳамма-миздан ҳам кўпроқ ҳаракат қи-лса керак. У икки йилдан бери бри-гадамизда мастер бўлиб ишлайди. Унинг раҳбарлигида 48 квартира-ли 30 та бино қўлдан чиқди. Ҳам-маси давлат комиссияси томонидан аъло баҳолар билан қабул қи-либ олинган. Ҳозирги кунда у бош-лиқ участкада москвалик ва

ленинградлик саноатчилар ташаб-буси кенг қўлланилган. Э. Рустамов ташаббускорлар нздан бориб фақат аъло сифатли бино-лар қуриш учун ҳаракат қилмоқ-да.

Мастеримиз фақатгина яхши ташкилотчи эмас. У актив жа-мояти ҳамдир. Э. Рустамов ҳо-зир бошқарма «Комсомо про-екторига» раҳбар ҳамдир. Биз мастер Э. Рустамов билан фахр-ланамиз. У бригадамиз жонкуяри.

М. ЧЕРНЕВ.

Тошкент ўйисолик комбинати монтаж бошқармаси комму-нист меҳнат бригадасининг бош-лиғи.

ЛАВҲА

Бугун дам олиш кун. Қўрбон ака уйқудан кечроқ турди. Бо-далар ўйнаб чиқиб кетишган. Хотини ҳовлида алақандой юмушлар билан банд. Ҳаво мусайфо, илқ.

— Турингизми адаси. Сўзга хат келган эди. Қўрбондирси, сто устига қўйгандим.

Қўрбон ака совуқ суғга ювчи-дида, артичиб қўлга хати ол-ди. Адресини ўқиди: «Ҳарбий қисм. Ковальчук. Шойиб кон-вертини оқди. Ўз шогирди дўшди. Яқиндагина у Қўрбон ака қўли-да токарлик касбини эгаллаган эди. Разряд олиб сўнг ҳарбий хизматга жўнади. Ҳаётга аф-ламан бергани учун, ҳунари қилгани учун устозига минг бор раҳматлар айтибди.

Қўрбон ака ҳам корхонага келган кезлари Ковальчук-гўр йишита эди. Немис фашист-лари она-Вотан тулғорини топ-таяпти. Ҳар қарчи ер учун киши-лар жон олиб жон беришяпти. Ҳамма нарса фронт учун деб эъло-қилинган. Би ҳам, кекса ҳам фашизм устидан қозонилдиган

галабага йўз ҳиссасини қўйиш ниятида меҳнат қилапти. Шун-дай пайтда Қўрбон заводимиз меҳнаткаш чехиза ишга кирди. Секунда токарлик санъати-ни эгаллаб бошлади. Мустақил деталлар ясашига киришди. Ҳа-ва хурсанд. Фронт оқсисида ту-риб душман билан жанг қилая-пти.

Уруш галаба билан тузаю, Қўрбон ремонт-механика заво-дига ишга ўтди. Энди 7-разряд-ли тоқар. Катта тажрибага эга. Ойлиги ҳам яхши, хурмати ҳам эфр. Тинчгина ишлайверши мумкин эди. Лекин Қўрбон ун-дай қилмади. Касбига бўлган меҳр уни яна ҳам юксалишга ундади. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаш-га қарор қилди.

Тунлари мишжа қоқмай китоб устидида ўтирди. Қачон қараманг унинг хонасида қиро. Техникча-га кириш тараддудиди. Ахир ўрта мактабни тугаллаганига анча бўлган. Эсидан қичиб кет-ган фанларни яна йўзлаштириб олиш керак. Қўрбоннинг кўп ўт-май машинасозлик техникуми

студенти бўлиб олди. Мана эн-ди иш ва ўқини у учун эъзаик...

Қўрбон ўтмай Қўрбоннинг участка мастери қилиб тайин-ланди. Иш яна ҳам қўлайди. Лекин юрагида ўти бор, сер-гайрат Қўрбон ака қишчилик-лардан қўрқмади. Билмадилари-ни яна устозларидан ўрганди, тажрибали мастерага мурожа-ат қилди. Ҳамма гап иш қуни-ни планлаштиришда экан. Меҳнат тўғри уюштирилса, му-ваффақиятлар йўз-йўздан кела-верар экан. Қўрбоннинг ҳам шун-дай қилди. Илгор тажрибалари қўллади. Станоклари доимо ҳа-ракатда бўлди. Энди энг юқори кўрсаткич унинг қиймасисиди. Тайёрланаётган деталлар сифати ҳам соз.

— Ютуқларингизнинг «сир-и» қаерда? — қўпича ёш мастер-лар унга шундай савол билан мурожаат қилишади.

— Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап ишнинг қўзғи-лишида қолган. Смеа тамом бўлишига яқин мен участкани бир қўздан кечириб чиқаман.

Эртанги кунга иш борми-йўқ-ни — ишларни текширман, Аларда иш тўғиб қолган бўлса дарҳол эртанги кун гамини ёл-ман. Хомашини тайёрлаб қўйиш-га кечқурунданоқ киришаман. Шунда станоклар тўхтаб қола-майди, ишчи бекор ўтирмайди.

Мастер Қўрбон Раҳмонов мо-ҳир тарбиячи ҳамдир. Унинг қў-лида ҳунар ўргатган ёшлар кор-хонада оз эмас. Мактабларга бо-риб, ўзи ишларни меҳнатга, иш-лаб чиқаришга тортади, уларни турли темаларда лекциялар ўқи-б туради.

Қўрбон ака тавлимини олган ёшлар Ковальчук ўхшаб узоқ-узоқ шаҳарларда ишласалар, турсалар ҳам ёшларининг бири-чи устозлари номига хатлар ёзиб туришади. Ўз ишлари тўғриси-да, ҳамкасблари ҳақида Қўрбон акага ҳикоя қилиб беришади, ундан турли маслаҳатлар оли-шади, Қўрбон Раҳмонов ўз шо-гирдлари ишдан жўра хурсанд.

Қўрбоннинг номи завоф Фахрий китобида ёзилган. Меҳ-нат дафтери эса раҳматнома-лар билан тўлган. У меҳнатга билан, юриш-туриши билан ёшларга йр-нак бўлмоқда, уларни ҳам йр-қасидан эргаштирмоқда.

В. САРНЧЕВ.

«За дветие металл» қўп-нухали газетаси ходими, Олмаиқ шаҳри.



Тошкентдаги 1-пайфал фабрикаси маданият уйи ҳузурида кутубхона ишчиларга намунали хизмат қилмоқда. Ёшлар ишдан кейин тез-тез бу ерга тўпланиб туришади. Янги китоблар ўқинади, турли мавзуда бахslashади, дарс тайёрлашади. Кутубхона китоб фонди ҳам тобора ортиб борапти. Суратда (чапда) кутубхоначи Дилбар Нейматова иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ИТТИФОҚ ТЕЛЕЭКРАНИДА

Тошкент телевидение студияси яқиндагидаги дурлиб ишга туширилган суратда олиш павилионда иш қилгани. Музикали эшиттиришлар редакциясининг режиссёри Хайбатулло Алиев ана шу павилионда СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Тамираҳоним ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган фильм-концертни суратга олиб тугатди.

Фильм-концертда Ўзбекистон «Санамо», хорижа «Панжара», «Ганжи Қорабоғ», «Мавриг», украинча «Украина ва Ўзбекистон», арманча «Зангизур», еврей халқ кўшиги «Варенички», испанча «Теньеро» номерлари бор.

Москвда ўтказилган қардош республикалар телестудияларининг кўригида бу фильм-концерт москвалик томошабинлар олқисига сазовор бўлди, шу билан бирга Иттифоқимиздаги ҳамма телестудияларда намоиш қилиш учун қабул қилинди.

Бундан ташқари режиссёр Х. Алиев Ўзбекистон ССР халқ артисти Юнус Ражабий ижросида «Ушшоқ», «Баёғ», «Қопни», «Куйтай» ашулаларини, Ўзбекистон ССР халқ артисти Берт Давидова ижросида «Му-

ножот», «Дилнавоим», солист Ориф Алимаҳсумовнинг «Сайраб», «Ўзбекистонда», «Муҳаббат», «Ихбор» эт» концерт номерларини суратга олиб, теле-томошабинларга тақдим қилиш учун тайёрлаб қўйди.

Студиядаги самарали меҳнат учун бу ишчан режиссёр яқинда СССР Министрлар Совети Радноэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Э. МУСАЕВ.

ҚАРДОШЛАР ГУЛДАСТАСИ

Ҳар гулининг ўз исми бор. Биримизга қизил атиргул ёқса, иккинчизимизга бошқача гул манзур бўлади. Гулдаста эса ана шу ҳаммамиз ётирган гуллардан ташкил топади. Тошкент шаҳарларида ўз маҳоратлари билан томошабинларимизни мафтун этадиган қардошларимиз санъатларини ана шу бир бутун гулдастага ўхшата бўлади. Негаки ҳар ким истега гулдан хидлаши — ҳоҳлаган концертини кўриши мумкин.

Санъат саройида «Муздаги балет» томошалари муваффақият билан давом этмоқда. Москвалик Мюзик-холл театри гастроллари-га ҳам қизиқиш катта. Пойтахт санъаткор-

лари ўртасида энг ёш бўлган бу коллектив сафарида етук ижроичилар борлиги кишини ҳушнуд этади.

Кейинги ҳафталарида пойтахтимизга ким-лар меҳмон бўлиб келади? Бутуниттифоқ гастрол бйрлашмаси Ленинград рус эстрада ансамбли, Черкасск халқ хори, Белоруссия эстрада усталари, Ростов-Дон санъаткорлари ва «Ветерок» татар филармонияси ансамбли коллективлари меҳмон бўлиб келишади. Меҳмонларимиз томошабинларга манзур бўла оладиган программаларини олиб келишади.

Ш. УМРЗОҚОВ.

ЯНГИ КАФЕДРАЛАР

Эл соғлиғи-юрт бойлиги. Шаҳримизнинг юзлаб малакали шифокорлари аҳолининг саломатлиғи йўлида хормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Бундай табиркор ва билимдон медицина ходимлари пойтахтдаги врачлар малакасини ошириш институтида ҳам жуда кўп. Институтда мамлакатимизнинг турли шаҳар ва районларидан келган врачлар жаҳон медицинасининг энг янги ютуқлари билан танишиб тажриба ўрганиб кетадилар.

Ҳозир бу ерда 650 дан ортиқ врач ўз малакасини оширмоқда.

Институтда яқинда болалар юқумли касал-

ликлари, гингива, «фи-зиотерапия кафедралари ишлаб бошлади.

Бу йил институтда эндокринология, ички секретия безларини даволаш, асаб касал-

ликлари кафедралари ҳам очилади. Бу билан шу соҳада ишловчи медицина ходимлари билимларини мустаҳкам-

лашга катта имконият яратилади. Булар қатори шу йил ичида фармакология кафедраси ҳам очилиши мўлжалланмоқда. Бун-

да республикаимиздаги дорихонада ишловчилар ўз тажрибалари ва билимларини оши-

радилар.

Институтда бундан ташқари кўпгина ташкилий ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Бир группа таниқли медицина ходимлари республикамизда энг узок қишлоқларига бориб, район ва колхоз врачларига меҳнат-кашларини даволашнинг энг янги усуллари ҳақида тажриба ўргата-

дилар. Профессор Я. Гордон икки ассистенти билан Сирдарё областига жўнаб кетди. Профессорлардан Р. А. Косенович, Ханифа Муротова ва бошқалар Бухоро, Хоразм, Андижон област-

ларига йўл оладилар.

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА

Хур диёримизда фарзандларимизнинг вақтларини мазмунли ва кўнглили ўтказиш учун ҳамма шароит яратиб берилган. Пионер саройлари, уйлари, лагерлар, туғарақлар улар изида. Жонажон мактабларида билим олишда, спорт тўғрисида таълим олишда, воғта етишда, ҳунар ўрганишда.

Бирок айрим ҳолларда катта ёшдаги кишилар болаларга старли даражада эътибор бермайдилар, кичиктойларни ўз ихтиёрига ташлаб қўядилар. Уларнинг эътиборсизликлари билан фойдаланган болалар ўйиндорлик, шўхлик қиладилар. Ўт билан ўйнашадилар ва ёнғин чиқишига сабабчи бўладилар. Ёнғинларнинг ақсарияти ана шундай эҳтибсизлик натижасида содир бўляпти.

Маълумки, болалар катталар қилган ишни тақрирлашни яхши кўради. Уйда ёлғиз қолганида фурсатдан фойдаланиб ўзини катталар ўрнига қўйиб иш тутайди. Гап, примус, керогази ёқишга уринади ва бахтсиз ҳодисалар рўй беришига сабабчи бўлади.

Шу йилнинг 15 январида Янги-йўлдаги Железнодорожная кўчасидаги 240-хўлида ёнғин чиқди. Бешинчи сифт ўқувчиси Ольга Со-дик ошхонага кўчир олиш учун кириб, қоронғида гўгүрт ёқади. У чиқиб кетган қолган гўгүрт дона-сини тармага тўнади ва тўтаббў-ляди. Кўп ўтмай бўрқсанган тўтун алағига айланади.

Калинин районидagi «Ленинград» колхозида яшовчи Рихис-босовани болалари гўгүрт топиб олиб болхонага чиқиб ўйнашади.

У ерда бошланган ёнғин кўп ўтмай уйга ўтади. Қанчалар қанча буюмлар, қимматбаҳо нарсалар ноубуд бўлади. Бу ҳам майли-я, ма-на бу янғини фалокат кишини ачинадирди. Орақониде қовоқка-сида яшовчи Қўра Абдурахмо-новнинг икки ярим яшар ўлида ва бош яшар Муҳайе исмли қизлари уйдан гўгүрт олиб чиқиб кетиб ўй-лайдилар, уни йиғинча тутадилар. Шамолда алағга олган ўт қизлар йўлини тўсиб қўяди. Улар дол со-либ йиғлайдилар. Кишилар ёрдам-га етиб келгунларича қаттиқ ши-кастланадилар. Қаттиқ кўйган қиз-ларни кўтариб қилиб бўлмади...

Бу иманинг оқибати? Бефарқлик, эътиборсизлиkning оқибати, холос. Агар Абдурахмонов гўгүртни қиз-ларидан бениб қўйганида, уларни ўз ҳолига ташлаб қўймай, кўз қўлоқ бўлиб турганида, фалокат рўй бермаган, ота ҳам жигаргўша-ларидан ажралмаган бўлар эди.

Кўнгилсиз ҳодисалар рўй бер-масин десангиз ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилинг, болаларингизни эътиборсиз қол-дирманг. Печка, примус, керогаз, лампа ёққанда жуда эҳтиёт бў-линг, гўгүртни бериктиб қўйи-нг. Болаларни печка лампа, керогаз ва бошқа нарсаларини ёқишга ун-даманг.

Хўрматли ота-оналар, педагог, тарбиячи ва қосомоллар! Кичик-тойларни эътиборсиз қолдирмай-лик, Уларга ўт билан ўйнашни ҳушқў оқибатларга олиб келишини тушунтирайлик.

Р. ИЛЕСОВ.

Область жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ёнғин-дай сақлаш бўлимининг инспектори.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН ХАЛҚ МОНГОЛИЯСИ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

СССР Министрлар Совети чет мамлакатлар билан маданий алоқалар давлат қомитетининг Раиси С. К. Романовский ва Монголия халқ республикаси Ташқи ишлар Министрининг Биринчи ўринбосари С. Сосор-барам 23 февралда СССР билан Монго-

лия халқ республикаси ўртасида 1965 — 1966 йиллардаги маданий ва илмий ҳам-корлик планини имзо-ладилар. План фан, маориф, соғлиқни сақлаш, спортнинг турли соҳаларида Совет-Монгол ҳамкорлиги-ни янада ривожланти-

ришни ва чуқурлашти-ришни кўзда тутди. 1966 йил июль ойи-да Монголия Халқ Республикасининг ту-зилганга 45 йил тў-лади. Мўлжалланган бир қанча тадбирлар шу байрамга атаб ў-тказилади. (ТАСС).

С. А. ВИНОВАДОВ ДЕ ГОЛЛЬ БИЛАН СУХБАТЛАШДИ

ПАРИЖ, 24 февраль (ТАСС). СССРнинг Франциядаги элчиси С. А. Виноградов кеча президент Де Голль ҳузурида бўлди. Элчи у билан суҳбатлашган вақтида Совет ҳукуматиинг Шарқи-Жануби Осиёдаги аҳоли ҳусусидаги нуқтаи назарини баён қилиб берди.

С. А. Виноградов Совет ҳукумати бу райондаги аҳолини жиддий ва ҳаттичи деб ҳисобламоқда, деб таъкидлади. Америка бомбардирмончи са-мометларининг Вьетнам Демократик Республикасида қилётган ҳужум-лари айниқса безовталик туғдиримоқда. Шу сабабдан, Совет ҳукумати-нинг фикрича, ана шу райондаги хатарни тугатиш ва аҳолини тартибга солиш учун амалий чоралар кўриш зарур.

НАЦИСТЛАРНИНГ ЁВУЗЛИКЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР

ПРАГА. Прагада ўтказилган матбуот конференциясида фа-шистларнинг жиноятларини фой-да қилиш учун ҳужжатлар тўпла-ниди. Гитлерчиларнинг архивла-рида ётган бу ҳужжатлар яқинда Чехословакия территориясидан то-пиб олинди.

СС қисмларининг ҳарбий ар-хиви энг фойдаланган материал-лардандир. Ҳужжатлар совет-лар Совет Иттифоқи, Чехослова-кия ва бошқа мамлакатлар тер-риториясида минг-миглаб одам-ларни вақтинча суратда қилиб ташлаганликлари ҳақида ҳикоя қилади. Масалан, СС биринчи ян-да аскарлар бригадасининг фа-олияти тўғрисидаги ёзувлар бу-нинг далилидир. Ана шу бригада 1941 йил сентябрдан декабрга-ча СССРда 6720 кишини қилиб ташлаган. «Митте» полиция пол-кининг ҳужжатларида шу полк ко-мандирининг махфий буйруғи бор. Буйруқда айтилишича, 17 ёшдан 45 ёшгача бўлган яхшуд эркак-ларининг ҳаммаси «Талончилар» деб отиб ташланиши керак экан.

Бир қанча ҳужжатлар ана шу буйруқнинг бажарилганлигини да-лолат беради. ССнинг «Алоҳида вазибаларни бажарувчи» батальо-ни қисқа муддатда 16 минг ях-шуднинг ёстиғини қуритган. (ТАСС).



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 26 ФЕВРАЛЬ 1965 ЙИЛ.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СИНФИЙ ЖАНГЛАР

ИТАЛИЯ

23 февраль Италияда забастовка-лар кўп бўлди. Мамлакатдаги ҳар унчала асосий касабаси союзи уюш-маси — Италия умум меҳнат конфе-дерацияси, Италия меҳнатшарлар ка-саба союзлари конфедерацияси ва Италия меҳнат иттифоқининг де-ляти бешта биноқорлар ва биноқор-лик саноати ходимларида қарийб бир ярим миллион киши бутун мам-лакат миқёсида 24 соат иш ташлади. Улар ишсизликка қарши, норхона

эгалари меҳнатшарларнинг иш ҳақи даражасига ҳуруж қилётганлигига қарши норозилик билдирдилар.

АНГИЛИЯ

Мерсей дарёси районларига ва Ланкашир графлигига хизмат қилу-вчи «Риббл Мотор» компаниясига қар-рашли 16 та автобус паркиннинг шо-ферлари билан кондукторлари ком-пания уларининг иш ҳақини оши-риш ҳақидаги талабларини қондир-магунча, шанба кунлари ишга чи-қмаслиққа қарор қилдилар.

ФИНЛЯНДИЯ

Кема механикларининг Финляндия-да бир неча кун давом этган забас-товкаси кўп йиллар ишлаганига учун меҳнатшарларнинг маошига пул қўшиб бериш ҳақида бир битимга келинганлиги натижасида тўхтати-ди.

ҲИНДИСТОН

Деҳлида иш ҳақининг камчилигига ва иш шартининг ёғирлигига қар-ши врачларнинг норозилик билди-риш ҳафтаеси бошланди. Деҳли врач-ларидан 800 га яқин киши қўлига қора латта боғлаб, шаҳар кўчаларига чиқди. Улар иш ҳақининг оши-рилишини ва иш ҳақи даражасини че-клаб қўзғов қонунларининг қайта қи-риб чиқилишини талаб қилди. Деҳли врачларининг Бомбей шаҳаридан ва Химачал Прадеш штатидаги ҳаммас-лари уларнинг талабларини қўллаб-қувватладди. (ТАСС).

Вальтер УЛЬБРИХТ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

ТУРКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ ВАЁНОТИ

ИСТАМБУЛ, 24 февраль, (ТАСС). Туркия янги коалицион ҳу-куматиинг кеча Москвадан Туркияга келган ташқи ишлар министри Х. Э. Ишк Истамбул аэропортида журналистларга қуйидагиларни айтди: Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик муносабатлари си-сати ривожланиб бораверади. «Бизнинг ташқи сисематини», — деди у, — яққалилаб қилиш сисемати эмас. Бу — барча мамлакатлар билан муносабатларимизни ривожлантириш сисематидир. Бу сисеат Туркиянинг манфаатларига жавоб беради.

Х. Э. Ишк ташқи ишлар министри лавозимига тайинланишдан олдин Туркия республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси эди.

СУДАН ҲУКУМАТИНИНГ СОСТАВИ

ХАРТУМ, 24 февраль, (ТАСС). Кеча, аввалги бош министр Хатам Ал халифа томонидан тўзиган Судан янги ҳукумати составида иш тўрт министр бор. Бу министрларнинг кўпи илгари кабинет аъзоларидаир. Хатам Ал халифа янги ҳукуматда мудофаа ми-нистри лавозимини эгаллади.

Судан коммунистик партияси ва халқ демократик партиясининг раҳ-барлари министрлар кабинетининг янги составини характерлаб, ўз пар-тияларининг вакиллари ҳукумат со-ставида бўлишини истамайдилар, де-йишди.

Улар янги ҳукуматдаги ўринлар-нинг кўпчилиги реакционерлар қўли-га ўтганлигини таъкидладилар.

Халқ демократик партиясининг раиси Али Абдил Раҳмон конститу-ция бузилганлиги ҳақида норозилик билдириб, олий судга мурожаат ил-ганигини ҳам айтди. Судан олий кенгаши аввалги ҳукуматнинг исте-фосини қабул қилиб ва янги кабинет тўзишини Хатам Ал халифага топши-риб, конституциянинг бузилишига йўл қўяди, деди Али Абдил Раҳмон.

Бонн генералларининг Германия Федератив Республикасининг шар-ий чегарасида «атом миналари минтақаси» яратиш мақсадида тўзган ёвуз планлари миллионлаб немисларнинг қаҳр-ғазабига ду-кор бўлмоқда. «Немис тупроғида атом кўроғи учун жой йўқ!» — Гарбий Германиянинг Эссен ша-ҳрида бўлиб ўтган намоиш қат-нашчиларининг талаби ҳам ана шу.

АДИ-ТАСС фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 ФЕВРАЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.25 — Кувонқ ми-нутлар (мактаб ўқувчилари учун), 18.50 — «Гулбулоқ» совхозида (те-леочер), 19.10 — Соф қалбли (бадий фильм).

20.30 — Эшиттиришлар про-граммаси.

Рус тилида: 20.35 — Телевизион янгиликлар, 20.50 — Эфирда — Самарқанд комсомол (Ўзбеки-стон комсомолнинг 40 йиллиги ол-ди), 21.30 — Экрэн янгиликлари, 22.15 — Ўзбек халқ чолғу ор-кестри (Ўзбекистон композиторла-ри сўзиди олдидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — Третийков галереяси бўйлаб (мактаб ўқувчи-лари учун), 18.35 — Тошкент ян-гиликлари, 18.45 — Сугги йўл (қисқа метражлик фильм), 19.15 — Уйга (бадий фильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — Комму-нист меҳнат кишилари, 20.55 — Тошкент янгиликлари, 21.05 —

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —

26/II да Анда, 27/II да Семург.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —

26/II да Мирзо Улуғбек, 27/II да Қонли сароб.

МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА —

26/II да Ёшлиқда берган кўнгли, 27/II да Ишқинг билан.

Кинофильмлар прокати

Ўзбекистон кинотраси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

чиқаради

КЕЛ, МУХТАР!

НОМЛИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ



Сценарий автори — И. Меттер.

Постановкачи — С. Туманов.

Ролларда:

Юрий Никулин, Николай Крючков, Алла Ларионова

«Мосфильм» киностудияси ишлаган

АХМАД ҲАНИ?

НОМЛИ КИНОКОМЕДИЯ



Сценарий автори — Собир Рах-мон.

Постановкачи — Одил Исанда-ров.

Ролларда:

Мамедриза Шайхзамонов, Наниба Мелинова, Элҳон Қасумов, Нонна Пушашвили ва бошқалар.

«Озарбайжонфильм» киностудияси ишлаган.

СЕКРЕТАРЬ ҚИЗ

НОМЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ.

Сценарий автори ва режиссёр — Анкер.

Бош ролларда:

Лайла Андерсон, Юрген Бунхей, Поуль Ренкардт, Нильс Астер.

Дания киностудияси ишлаган.

Титов кўчаси, 15-уйда турувчи Янов Самуилович Хасидовичнинг Хоразм кўчаси, 30-уйда турувчи Сарра Абрамовна Нисановани ақралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Куйбўшич район халқ судида қўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Ўзбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Перантор ўринбосари — 25885. Матсул секретари — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимла-ри — 31936. Партия турмуши бўлими — 26232. Саноат, транспорт ва кури-лиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мақтаб ва олий ўнвур юр-тали бўлими — 29040. Совет ишлари, маънавий ва шаҳар хўжалиги бў-лими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий иш-лар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг бошмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08518. Индекс 64969. Нашр. № В 1706.

К И Н О

Ганга ва Намна (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОИИ (кундуз соат 5 да), НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (кундуз 12, 5 ва кеч 9 да), «ИСКРА» (кеч 7, 8, 9, 9-45 минут ва 10 да), «МОС-КВА» (кундуз 1 ва кеч 10 да), «Америна гўзали» — «ЎЗБЕКИС-ТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кеч-курун).

Ҳамширалар поезди — «КОМСО-МОЛ 30 ПИЛЛИТИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 6 да).